БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 289 (17.273). • 20 декабрь 1978 йил чоршанба • Баҳоси 2 тийин

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВни Ленин ордени ва учинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисида

Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги буюк хизматлари учун, тинчлик йўлидаги курашда тинимсиз меҳнати учун ва туғилган куни муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Леонид Ильич **Брежнев Ленин** ордени ва **учинчи «Олтин Юлдуз»** медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1978 йил, 19 декабрь.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА
ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

19 декабрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг учинчи «Олтин Юлдуз» медали тантанали вазиятда топширилди.

Ўртоқ Л. И. Брежневга мукофотни СССР Олий Совети Президиумининг топширувига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов топширди.

Мукофот топириш вақтида Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков, М. С. Горбачев ўртоқлар, шунингдек СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. Холов, СССР Олий Совети палаталарининг раислари А. П. Шитиков, В. П. Рубен, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ М. А. Суслов Ватаннинг олий мукофотларини топшириб, бундай деди:

Ўртоқ М. А. СУСЛОВ нутқи

Азиз Леонид Ильич!

Азиз ўртоқлар!

Леонид Ильич, бугун биз бутун партия билан, бутун совет халқи билан бирга Сизнинг туғилган кунингизни нишонлаяпмиз.

СССР Олий Совети Президиуми Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги буюк хизматларингизни нишонлаб, тинчлик учун курашдаги тинимсиз меҳнатингиз учун ва туғилган кунингиз муносабати билан Сизни Ватанимизнинг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг учинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлади.

Совет халқи, социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун тараққийпарвар дунё Сизни атоқли сиёсий ва давлат арбоби деб, тинчлик ва коммунизм иши учун оташин курашчи деб, улуғ Ленин ишининг саботли, содиқ давомчиси деб биладилар.

Ишчининг, партия ташкилотчисининг меҳнати, Улуғ Ватан уруши жангларидаги сиёсий ходимнинг, партия ва давлат арбобининг қаҳрамонона жасорати бўлган Сизнинг ҳаётингиз ва фаолиятингиз социалистик Ватанимизга фидокорона хизмат қилиш намунасидир.

Коммунистлар, бутун совет халқи партиямиз билан давлатимиздаги олий лавозимларни — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, мамлакат Мудофаа Кенгашининг Раиси лавозимларини Сизга ишониб топшириб, шу тарика Сиз, азиз Леонид Ильичга ғоят юксак ишонч ва ҳурмат изҳор этдилар. 14 йилдирки, Сиз партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига бош бўлиб, шу ишончни шараф билан оқлаб келяпсиз. партиямиз билан халқимизнинг Ватанимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йўлидаги, коммунизм ва тинчлик иши йўлидаги курашида рақбар ва ташкилотчига хос чуқур донишмандлик, буюк истеъдод намоён қиляпсиз.

Биз ривожланган социалистик жамият қурдик. Ватанимизнинг моддий ва маънавий кучлари барқ уриб яшнаб турибди. Совет халқи Ленин партияси теварагида метиндек жипслашган. Ишчилар синфи, колхозчи деҳконлар, халқ зиёлилари партия режаларини, XXV съезд қарорларини илҳом билан амалга оширмоқдалар. Совет Иттифоқи қардош халқларининг дўстлиги бузилмасдир. Фан, маориф, соғлиқни сақлаш, совет халқининг маданияти муваффақиятли ривожланмоқда, унинг фаровонлик даражаси муттасил ортмоқда. Партиямиз билан давлатимиз революцион қалаваларимиз, ялпи тинчлик ва хавфсизлик посбони бўлган шаваҳтли СССР Қуролли Кучлари тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқдалар.

Совет халқи бутун дунё меҳнаткашларига революцион бунёдкорликнинг, инсониятни ҳамиша тўлқинлантириб келган ва тўлқинлантириб турган ижтимоий проблемаларни муваффақиятли ҳал этишнинг илҳомбахш намунасини кўрсатмоқда.

Азиз Леонид Ильич, бутун дунё Сизни Совет Иттифоқи ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатининг ифодачиси ва раҳбари деб билади. Ана шу сиёсат туфайли Ватанимиз халқаро миқёсда эўр обрў-эътибор қозонди, Ер юзидаги барча тараққийпарвар, соф виждонли кишиларнинг ташаккурига сазовор бўлди.

Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар билан биргаликда халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишини қаттиқ туриб изчиллик билан ҳимоя қилмоқда, янги жаҳон уруши хавфини тугатиш учун курашмоқда. СССР империалистик реакция ва агрессия кучларининг кирдикорларига кескин зарба бериб, қуролланиш пойгасини чеклаш учун ва қуролсизланиш учун, кескинликни юмшатишни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинчтотув яшашдан иборат ленинча принципларни халқаро муносабатлардаги ҳамма эътироф этган норма сифатида қарор топтириш учун изчиллик билан курашмоқда.

Ватанимиз ҳозирги замон барча революцион-озодлик кучларининг, миллий озодлик ва мустақиллик, социал тараққиёт учун курашчиларнинг содиқ дўсти ва иттифоқчиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Азиз Леонид Ильич, Сиз КПСС Марказий Комитети билан Совет давлатининг совет халқи бунёдкорлик меҳнати учун тинч шароитларни таъминлаш соҳасидаги, ялпи тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятига изчиллик ва ғоят зўр куч-ғайрат билан бошчилик қиляпсиз. Бунинг учун совет кишилари ҳам, бутун ер курраси даги софдил кишилар ҳам Сизга астойдил миннатдорчилик изҳор этадилар.

Ленин партияси ўзининг халқ оммаси билан мустаҳкам алоқаси, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин улуғ таълимотига содиклиги билан, революцион назарияни ижодий ишлаб чиқиши ва амалга ошириши билан қувлидир.

Азиз Леонид Ильич, Сизнинг бошчилигингиздаги партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни чуқур анализ қилиш, жамият ривожи тенденцияларини ўрганиш, ички ва ташқи сиёсат қулай ишлаб чиқиш соҳасида буюк коллектив ишни тинимсиз олиб бормоқдалар.

Азиз Леонид Ильич, Сиз партиянинг, партия Марказий Комитетининг мана шу самарали фаолиятига жуда катта ижодий ҳисса қўшяпсиз. Сизнинг асарларингиз коммунистларни ва барча меҳнаткашларни коммунизм йўлидаги курашимиз истиқболлари ва вазифаларини яхши тушуниш билан қуроллантирадиган чуқур назарий ва ғоявий мазмунга тўлиқ.

Азиз Леонид Ильич, биз барча коммунистлар, ҳамма совет кишилари қатори Сиз билан бирга ишлар эканмиз, Сизнинг ғоят инсоний дилкашлигингизни кун сайин сезиб турибмиз. Сизнинг бутун кучини партия билан халқ хизматига бағишлаган инсоннинг ажойиб тимсоли, меҳрибон ва принципиал, одамларга содиқ ва ғамхўр ленинчи коммунист намунаси эканингизни кўриб турибмиз.

Биз барча коммунистлар, ҳамма совет кишилари билан биргаликда Сизни туғилган кунингиз билан, Ватаннинг улуғвор мукофоти билан астойдил ва қизғин табриклаймиз. Партиямиз билан халқимизнинг бахт-саодати йўлидаги, коммунизм ва тинчлик идеалларининг тантанаси йўлидаги бутун самарали фаолиятингизда Сизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаймиз!

* * *

Ўртоқ М. А. Суслов Леонид Ильич Брежневга Ленин ордени билан учинчи «Олтин Юлдуз» медалини гулдурос қарсаклар остида топширди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Бугун, туғилган кунимда мени Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг учинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисида партиямиз билан давлатимизнинг рахбар органлари қаорини астойдил миннатдорчилик билан тўлқинланиб қутиб олдим. Менинг Ватан бахт-саодати йўлидаги, совет халқининг фаровонлиги йўлидаги меҳнатларимга юксак баҳо берилганлигидан ва бу ерда Михаил Андреевич айтган самимий сўзлардан таъсирландим.

Мен ўз календаримда рахбар партия ва совет ишида бўлишимнинг 40 йиллигини яқиндагина нишонлаганим инобатга олинса, босиб ўтилган йўлни бирон бир тарзда умумлаштириш ва баҳолаш учун материал бор деса бўлади.

Яқинда мен ажнабий бир ўртоқ билан суҳбатда менинг қалбимга жуда яқин бўлиб қолган ва яқин бўлиб қолаверадиган, мени доимо ўйлантириб келган ва ўйлантираверадиган икки нарса бор, буларнинг биринчиси халқнинг нони бўлса, иккинчиси Ватаннинг хавфсизлигидир, деган гапни ошкора айтдим.

Мен ўз хаётим давомида мамлакат еппасига вайронгарчиликка учраган замонларнинг миллион-миллион кишилар очлик ва совуқда қолишдек қулфатли оқибатларни бошидан кечирган замонларнинг шоҳиди бўлганман. Шонли Армия — Қизил Армия — Улуғ Ватан уруши алангасидан ўтиб, бизнинг тинч социалистик диёримизга агрессор келтирган ажал ва дузақ азобини, ёнгинлар ва вайроналикларни ҳам ўз кўзим билан кўрганман.

Ана шуларни кўрар эканман, бу қулфатлар ортиқ такрорланмаслиги, партиямизнинг ленинча сиёсати — халқнинг турмуш даражасини муттасил ошириш, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, бахтиёр коммунистик келажагимизни қуриш сиёсати тўла ғалаба қозониши учун қурбим етган ҳамма ишни киламан, деб дилимга тугиб қўйганман.

Мана энди, дилимдаги ана шу ниятни партия билан халқ менга ишониб топширган юкори лавозимларда рўёбга чиқариш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман.

Бугун ҳам менинг бундан юксакроқ мақсадларим йўқ.

Бугун ҳам мен совет кишилари осойишта ва тобора фаровон турмуш кечиришлари учун, янги урушга йўл қўймасликни бош мақсад қилиб олган Совет Иттифоқи мудофаеси ишончли ва енгилмас бўлиши учун, Совет давлатининг ташқи сиёсати — тинчлик ва тараққиёт сиёсати, барча давлатларнинг ҳамкорлиги сиёсати, халқлар ўртасида дўстлик сиёсати янги-янги ғалабаларга эришаверишн учун ўзимга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиляпман ва бундан буён ҳам қилавераман.

Ўртоқлар, бугун менга топширилган мукофотга берилган жавобим шу.

Сизларга яна бир карра кўпдан-кўп раҳмат.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, бошқа партия ва давлат арбоблари Леонид Ильич Брежневни Ватаннинг юксак мукофоти билан туғилган куни билан сидқидилдан, самимий муборакбод этдилар. Улар Леонид Ильичга социалистик Ватаннинг равнақи, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси йўлидаги, ер юзида мустаҳкам тинчлик йўлидаги фаолиятида янгидан-янги самарали ишлар тиладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қутловлар учун самимий миннатдорчилик изҳор этди.

(ТАСС).

КРЕМЛДА ҚАБУЛ

19 декабрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев Англия — Америка «Пергамон пресс» нашриёт корпорациясининг Москвага келган президенти Р. Максвеллни унинг иштимосига биноан қабул қилди.

Р. Максвелл ўртоқ Л. И. Брежневнинг куни кеча инглиз тилида босилиб чиққан «Тинчлик — халқларнинг бебаҳо бойлиги». «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларининг авторлик нусхаларини топширди.

Совет Иттифоқи, деди Ўртоқ Л. И. Брежнев, халқлар ўртасидаги муносабатларни китоб ёрдамида кенгайтириш учун кўп ишлар қилмоқда. Ғарбда ҳам худди шундай куч-ғайратлар сарфланиши муҳимдир. Яхши ва ҳаққоний китоб ўзаро ишончни зўрайтиради, давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ва Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқи агентлиги правлениесининг раиси Б. Д. Панкин ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1978 йил 19 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XI пленуми бўлиб ўтди.

«КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг шу Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон ССРни 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисидаги ва Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладларини ҳам тингланди.

Шу докладлар юзасидан музокараларда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Х. Қурбонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Е. Айтмуратов, Андижон область Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. Солиев, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори М. Рамазонов, «Джизакстепстрой» бошқармасининг бошлиғи П. Х. Кан, Иштихон район партия комитетининг биринчи секретари М. Жўраев сўзга чиқдилар.

Пленум «КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми талаблари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Қурбонов докладини ҳам тинглаб, муҳокама қилди.

Бу масалани муҳокама қилишда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Г. Ғойибов, Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. Ш. Шербўтаев, Сирдарё область партия комитетининг секретари И. С. Умаров, «Узптицепром» бошлиғи Б. А. Пискунов, Сарноғ районидаги «Коммунизм» совхозининг директори Б. Омонов, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси М. Исоқова, Томди районидаги «Авангард» қоракўлчилик совхозининг директори Ж. Дўнасов, Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг раиси А. У. Маҳмудов, Самарқанд районидаги Улуғбек номли хўжаликлараро чорвачилик бирлашмасининг директори Г. Д. Кан, «Ўзбекбирлашув» раиси М. Ҳ. Ҳасанов сўзга чиқдилар.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Пленум Н. М. Матчоновнинг бетоблиги сабабли ва унинг илтимосига биноан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми И. Б. Усмонхўжаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси қилиб сайлади.

Пленум А. А. Хўжаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Г. М. Орлов бошқа ишга ўтиши муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири вазифасидан озод қилди. Пленум В. В. Окунскийни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири қилиб тасдиқлади.

Э. Б. Нордман республикадан бошқа жойга ишга кетганлиги сабабли пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидатлик вазифасидан озод қилди.

Пленум Н. Р. Ражабов бошқа ишга ўтиши муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири вазифасидан озод қилди.

Пленумда ўртоқ Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ШУ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТКИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, зўр мамнуният билан шуни таъкидлайдики: КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёркин, сермазмун, ленинча доно нутқи сафарбар қилувчи жуда катта қучга эга бўлган энг муҳим сиёсий ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар коммунистларни, барча меҳнаткашларни илҳомлантиради, уларни иқтисодий ва социал қурилишнинг асосий, стратегик йўналишларида жанговар ҳаракат программаси билан қуроллантиради. Бу ҳужжатлар сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборди. КПСС XXV съезднинг қарорларини бажариш учун курашда ғайратшиҳоат, қудратли қуч бахш этди.

Республикада беш йиллик учинчи йилининг ўтган даврида пландан ташқари 300 миллион сўмга яқин саноат маҳсулоти реализация қилинди. Капитал қурилишда сезиларли силжишлар рўй берди. Ўзбекистон пахтакорлари, республиканинг барча меҳнаткашлари ўзларининг Ватан олдидаги ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажариб, жуда оғир келган об-ҳаво шароитида ҳақиқатан ҳам буюк жасорат кўрсатдилар — пахта тайёрлаш планини шараф билан ошириб бажардилар, давлатга 5 миллион 510 минг тонналаб ячёл «оқ олтин» топширдилар.

Пленум КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган хулосалар, йўл-йўриқлар ва амалий вазифаларни тўла-тўкис маъқуллаб, оғишмай бажариш учун дастур деб қабул қилади.

Пленум ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир район, шаҳар, областнинг ва умуман республиканинг 1979 йил топшириқларини бажарибгина қолмай, шу билан бирга ошириб бажаришни ҳам таъминлаш — Ўзбекистон партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми ҳужжатлари асосида иқтисодий ва социал тараққиётнинг асосий вазифаларини бажариш, бошқаришни такомиллаштириб, бутун ишимизнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқишилар ва амалга оширишилар. Меҳнат коллективларининг қуч-ғайрати иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларидан тўлароқ фойдаланишга — саноатнинг барча соҳаларида, транспортда, капитал қурилишда, қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ташаббус, новаторликни, ихтирочилар ва рационализаторлар фаолиятини бутун чоралар билан рағбатлантиришга, сарф-харажатларни ғоят кискартириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг техникавий даражасини юксалтириш учун мавжуд катта резервлар ва имкониятларни ишга солишга сафарбар қилинсин.

Ўринсиз нобудгарчиликни бутун чоралар билан кискартириш, барча молиявий ва моддий-техника ресурсларидан, халқ хўжалигимиз эга бўлган ҳамма нарсалардан

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети лойиҳаси асосан маъқуллансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ана шу лойиҳаларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этсин.

ТЎҚКИЗИНЧИ ЧАКИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси бугун, 20 декабрь соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун, 20 декабрь соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида бўлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР мудофаа саноати министри Сергей Алексеевич Зверев 1978 йил 17 декабрда 67 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ШУ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

энг оқилона фойдаланишга эришиш — партия, совет, хўжалик ташкилотларининг бурчидир. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида, ҳар бир иш жойида тежамкорликни изчиллик билан пухта амалга ошириш жуда муҳимдир. В. И. Ленининг тежамкорлик — коммунистларга хос ҳислатдир, деган сўзларини доим эсда тутиш зарур.

Қурилиш программасини бажариш учун жавобгар бўлган Ўзбекистон ССР Госплани, республика Госстройи, министрликлар ва идоралар, партия ва совет органлари капитал қурилишдаги ишларни яхшилаш учун қатъий чораларни кўрсинлар. Янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни, маданий-маиший объектларни ўз вақтида ишга тушириш таъминлансин. Зарур бўлган қуч ва маблағлар шу объектларга жамлансин, битказилмаган қурилиш ҳажми доим қисқартириб борилсин, янги ерлар комплекс тарзда ўзлаштирилсин.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларига асосланиб, пахтачиликни янада юксалтириш, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар қунт билан амалга оширилсин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асраш учун масъулият кучайтирилсин, бу маҳсулотни асраш ва қайта ишлашнинг моддий базаси бутун чоралар билан мустаҳкамлансин.

Экономиканинг сифат даражасини янада юксалтириш учун хўжалик юритиш ва бошқариш методлари такомиллаштирилсин, ҳар бир корхонанинг, ҳар бир хўжаликнинг, ҳар бир қурилиш ташкилотининг ишида уюшқоқлик ва пухталик оширилсин. Партия, совет, хўжалик органлари давлат, план ва меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилиниши устидан контролни кучайтирсинлар. Тартиб ва уюшқоқлик, бир маромда ишлаш, планни ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш—меҳнат коллективлари учун ва раҳбарлар учун ҳам қатъий қонун бўлиб қолиши керак.

Кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг таъсирчан воситаси бўлмиш социалистик мусобақа ривожлантирилсин ва кучайтирилсин. Новаторларнинг ташаббуси сабот-матонат билан кенг ёйилсин, сифат кўрсаткичларини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинсин. Партия, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотларининг куч-ғайрати ишлаб чиқариш коллективларида ижодий иш муҳитини вужудга келтиришга қаратилсин. Бундай шароитда меҳнаткашлар ўз қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқара олсинлар, ўзининг шахсий меҳнати натижалари учун, шунингдек бутун коллективнинг меҳнати натижалари учун юксак масъулиятни ҳис этсинлар.

Область, шаҳар, район партия комитетлари кадрлар билан ишлашни такомиллаштирсинлар, партия, давлат ва хўжалик аппаратининг барча бўғинларида уюшқоқлик ҳамда масъулиятни оширишга эришсинлар. Камчиликларга қарши қаттиқ кураш олиб борилсин, кадрларнинг топширилган иш учун шахсий жавобгарлиги кучайтирилсин. Қабул қилинадиган қарорларнинг савияси оширилсин ва бу қарорларни бажариш устидан назорат кучайтирилсин. Ташкилотчилик иши ва оммавий-сиёсий иш гоят конкрет, ишчанлик руҳида ва оператив равишда олиб борилсин. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти, навбатдаги хўжалик ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишда коммунистларнинг авангардлик роли оширилсин. Қилинган иш натижаларига ҳар томонлама танқидий баҳо бериб, кадрларни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлган танқид ва ўз-ўзини танқидни дадил ривожлантириш зарур. Партия ташкилотлари олдида турган вазифаларнинг мураккаб комплекси ҳал этилсин, партия ташкилотларининг ҳозирги вақтда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов конференциялари коммунистларнинг куч-ғайрати сарф этилиши лозим бўлган асосий ишларни белгилаб берсин.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида бутун идеология иши кучайтирилсин. Шу мақсадда область, шаҳар, район партия комитетлари меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш сифати ва самарадорлигини оширишга, унинг форма ва методларини такомиллаштиришга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Партия ташкилотлари, матбуот, телевидение ва радио КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг ва СССР Олий Советининг сессиясининг материалларини оммага ўртасида пропаганда қилиш ва чуқур тушунтиришни таъминласинлар. Меҳнаткашларни коммунистик ахлоқ руҳида, халқларнинг бузилмас дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни кучайтириш учун бу ишдан ҳар томонлама фойдаланилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетини, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб айтадики, республиканинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, СССР халқларининг ягона қардошлик оиласида 1979 йил планини ва умуман беш йиллик планларини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Сергей Алексеевич ЗВЕРЕВ

Совет саноати оғир жудоликка учради.

Мудофаа саноатининг йирик ташкилотчиси, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР мудофаа саноати министри Сергей Алексеевич Зверев 1978 йил 17 декабрда 67 ёшида вафот этди.

Сергей Алексеевич Зверев 1912 йил 18 октябрда Новгород область, Демянск районининг Софронково қишлоғида ишчи оиласида туғилди.

У ўзининг меҳнат фаолиятини 1930 йилда Ленинград шаҳридаги заводда ишчи сифатида бошлади. С. А. Зверев Ленинграддаги аниқ механика ва оптика институтини битириб чиққанидан кейин 1936 йилдан 1940 йилгача шу тармоқ заводида инженер-конструктор, техника бўлимининг бошлиғи, бош технолог бўлиб ишлади. У 1940 йилдан то 1947 йилгача мудофаа саноатининг бир қанча заводларида бош инженер бўлиб ишлади. С. А. Зверев 1947 йилда министрликнинг марказий аппаратида ишлаш учун кўтарилди. Сергей Алексеевич бу аппаратда бош инженер, бош бошқарманинг бошлиғи, министр ўринбосари, министрнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

С. А. Зверев 1963 йилдан бошлаб ҳаётининг охирги кунларигача СССР мудофаа саноати министри эди.

Сергей Алексеевич Зверев ўз фаолиятининг ҳамма лавозимларида саноат ташкилотчисига хос буюк истеъдодга эга бўлиб, техника соҳасида зўр заковат соҳиби эди, кишиларга нисбатан сезгир ва эътиборли муносабатни бирга қўшиб олиб борган, юксак партиявий принципиалликни мужассамлаштирган ва талабчан киши эди. Янгилик, илғорликни ҳис этиш С. А. Зверевга хос хусусият эди, у энг янги илмий-техникавий йўналишларни, илмий-конструкторлик ташкилотларини ривожлантиришга, кадрларни тарбиялашга доим эътибор берар эди.

С. А. Зверев ҳормай-толмай бажарган ижодий ишлари билан мудофаа саноатини ривожлантиришга, замонавий қурол-яроғларнинг янги турларини, ҳарбий техникани вужудга келтиришнинг мураккаб илмий-техникавий проблемаларини ҳал этишга ва мамлакат Қуролли Кучларини улар билан таъминлашга катта ҳисса қўшди.

С. А. Зверев 1942 йилдан буён КПСС аъзоси. У КПССнинг XXIII, XXIV ва XXV съездларида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1966 йилдан буён СССР Олий Советининг депутатлигига сайланиб келди.

Партия ва ҳукумат С. А. Зверевнинг Ватан олдидаги хизматларини юксак баҳолаб, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди ва уни 6 Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, I даражали Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва кўп медаллар билан мукофотлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ фарзанди, ўзининг бутун ҳаётини Ватанга хизмат қилишга, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга бағишлаган Сергей Алексеевич Зверевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косыгин, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков, М. С. Горбачев, И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, В. Э. Димшис, К. Ф. Катушев, В. А. Кириллин, Т. Я. Киселев, М. А. Лесечко, Н. В. Мартинов, В. Н. Новиков, З. Н. Нуриев, Л. В. Смирнов, А. П. Александров, И. Д. Сербин, М. П. Георгадзе, А. И. Шибаев, С. А. Афанасьев, В. В. Бахирев, Б. П. Бугаев, М. В. Егоров, В. А. Казаков, Э. К. Первушин, П. С. Плешаков, Е. П. Славский, А. И. Шокин, В. Ф. Гарбузов, А. К. Антонов, Б. В. Бахин, В. Ф. Жигалин, Г. А. Караваев, В. В. Кротов, К. Н. Руднев, В. С. Федоров, П. В. Финсгенов, Г. А. Титов, Н. В. Огарков, С. Л. Соколов, В. Г. Куликов, А. А. Епишев, В. Ф. Толубко, И. Г. Павловский, П. С. Кутахов, С. Г. Горшков, А. И. Колдунов, С. К. Куркоткин, Н. Н. Алексеев, В. М. Шабанов, В. И. Конотоп, Л. А. Борисов, В. Ф. Промислов, М. С. Смирнюков, Н. С. Строев, Л. А. Воронин, И. П. Корницкий, В. И. Курушин, О. Ф. Ларченко, Л. С. Мочалин, П. Н. Руданов, В. П. Финогеев, Н. Г. Виноградов, В. Б. Калабин, И. В. Коврижкин, Ю. Д. Маслюков, В. Я. Нежлутко, А. А. Почерников, В. Н. Сучков, В. П. Царев, И. А. Шарапов, В. А. Шчукин, С. В. Романенко, В. И. Лапшин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА ВАКИЛЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

18 декабрь куни мамлакатда ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар кўрсатила бошланди.

Москва область, Серпухов районидаги «Заокский» совхозининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчилари Марказий сайлов комиссиясига ўз вакилини кўрсатмоқ учун эрталаб йиғилишди.

Йиғилишни совхоз партия комитетининг секретари Г. И. Лавров очди. У хўжалик директори В. М. Чуркинга сўз берди. В. М. Чуркин СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. И. Рибаковани кўрсатишни таклиф қилди.

Нотиқ уни яхши мутахассис, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси сифатида таърифлади. Унинг эришган муваффақиятлари СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Пешқадам меҳнатчи зўр ташаббускорлик билан ижтимоий иш олиб бормоқда. У, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзосидир.

Сабзавотчилик бригадасининг ходими Е. Б. Нарскина, хўжаликнинг бош агрономи В. К. Матюнин, совхоз комсомол комитетининг секретари З. Е. Чужакова Г. И. Рибаковани комиссия составига кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Г. И. Рибаковани СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига кўрсатиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилинди.

СССР космонавтлар отрядидан СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Коваленок СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Москвада маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитети президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни ана шу союз Марказий Комитетининг раиси М. В. Пашков очди. СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар кўрсатиш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилган эди.

ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг артисти, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Гоголева КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири И. В. Капитоновни СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг составига кўрсатишни таклиф қилди.

Бутунроссия хор жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти В. Г. Соколов, маданият ходимлари касаба союзи Москва шаҳар комитетининг раиси З. Н. Глебовская «Красный пролетарий» босмахонасининг печатниги, СССР Давлат мукофотининг лауреати А. М. Федоров, Апрелевкадаги грампластинкалар заводининг прессчиси Н. А. Соломатина ана шу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг президиуми И. В. Капитоновни СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

Рустави металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишида мартен цехининг пўлат эритувчиси, партиясиз З. Г. Дзнеладзе СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети президиумининг СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакилларини кўриб чиқиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Молдавия ССРнинг Резина районидаги Распопен касалхонасининг коллективи касалхонанинг бош врачи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони партиясиз О. К. Врабийни Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатди.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари И. З. Соколов Украина республикаси коммунистик ташкилотидан Олий Советга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Тожикистон ССР Ленинобод область, Хўжанд районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Теним машинасининг механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. Нурматова Марказий сайлов комиссияси составига бир овоздан вакил қилиб кўрсатилди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари В. Н. Макеев Москва шаҳар коммунистик ташкилотидан СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Латвия республика матлубот жамиятлари союзининг правлениеси союз правлениесининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. А. Круминня Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатди.

ВЛКСМ Марказий Комитети бюросининг мажлисида ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Литва Компартиясининг 60 йиллиги номли колхоз меҳнатчилари ана шу хўжаликнинг сут соғувчиси, партиясиз М. В. Дваранаускенени ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилдилар.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Москва Давлат университетининг ректори А. А. Логунов М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети студентлари ва ўқитувчилари коллективидан Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениеси ёзувчи, союз правлениесининг секретари, «Литературная газета»нинг бош редактори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Б. Чаковскийни СССР Ёзувчилар союзидан Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатди.

Маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Туркманистон республика комитетининг президиуми Мари областининг Кушка районидаги 2-ўрта мактабининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, партиясиз А. Оқиевани Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатди.

«Россия» Куйбишев ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бирлашманинг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. В. Шпаковани Марказий сайлов комиссияси составига ўз вакили этиб киритишга қарор қилди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ОЛМАОТА, 18 декабрь. (ТАСС). Бугун Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги ноябрь Пленуми қарорларини ва Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида берган йўл-йўриқларини бажариш соҳасида республика партия ташкилоти олдида турган вазифаларни муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаевнинг доклади тингланди.

Пленум Қозоғистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани ва республиканинг 1979 йилги Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқди ва асосан маъқуллади.

ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР ЙЎЛИДА

ЕРЕВАН, 18 декабрь. (ТАСС). Бугун Арманистон республика партия активи йиғилишида Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўрик» китоби қоидалари асосида партиявий-сиёсий ва хўжалик ишларини янада такомиллаштириш соҳасида партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Арманистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари К. С. Демирчяннинг докладда ва сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: Ўртоқ Л. И. Брежневнинг янги асари ҳаёт, партиявий тажриба дарслиги, совет халқининг қаҳрамонона анъаналари асосида тарбиялаш дарслигидир. Бу китобнинг мазмуни ҳозирги кундаги вазифалар билан бевосита боғлангандир.

Йиғилиш иштирокчилари Арманистон меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш учун бундан буён ҳам зўр ғайрат билан курашадилар, деб таъкидладилар.

«КОСМОС-1063» УЧИРИЛДИ

1978 йил 19 декабрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1063» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилиш учун мўлжаллангандир. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

«АТОММАШ»НИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

ВОЛГОДОНСК (Ростов области). (ТАСС мухбири). «Атоммаш» қурувчилари коллективи атом электр станциялари учун уч миллион киловаттли реактор машина-ускуналари ишлаб чиқарувчи қувватлар барвақт фойдаланишга топширилганлиги тўғрисида рапорт берди. Шундай қилиб, атом реакторлари ишлаб чиқарувчи жаҳондаги катта заводнинг биркичи навбати ишга туширилди. КПСС XXV съездининг қарорида шу заводни қуриш кузда тугалланган. Завод қурилиш бошлагандан бери 570 миллион сўмликдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди.

Бош корпуснинг 158 минг квадрат метр ишлаб чиқариш саҳнида энг янги машина-ускуналар, 90 тоннали деталларга ишлов берувчи кучли станоклар ўрнатилди. Бўйи беш қаватли уйга тенг келадиган рентген камераси қип-қизил бўлиб турибди. Бу камерада реактор корпусларини пайвандлаш сифати контрол қилинади.

Қурилиш ишлари билан бир маҳалда ишлатувчиларнинг 10 минг кишилик коллективи ўрнатилган агрегатларни созлаш ва уларни синаб кўришни ташкил қилди, дастлабки маҳсулот чиқарилишини таъминлади.

Ҳозир улкан атом энергетика машинасозлигининг иккинчи навбати жадал қурилмоқда.

Заводда митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневга меҳнат рапорти йўлладилар.

(ТАСС).

ПОКИСТОНДА НАШР ЭТИЛДИ

ИСЛОМОБОД. (ТАСС) Покистондаги «Пиплс паблишинг хауз» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев танланган асарлари икки томлигини урду тилида кўп нусхада босиб чиқарди. Тўпламга Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир нутқлари ва мақолалари киритилган.

«Пиплс паблишинг хауз» нашриётининг директори Рауф Малик бундай деди: Л. И. Брежнев китобининг нашр этилишини Покистонда зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Бу китобда Совет давлати сиёсатининг энг асосий принципларг баён этилган. Л. И. Брежневнинг китоби халқларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшилган катта ҳиссадир.

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

19 декабрда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Австрия республикаси ташқи ишлар министри В. Парни Кремлда қабул қилди.

Ишчанлик ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида СССР билан Австрия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг актуал масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро проблемалар кўриб чиқилди.

Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасида ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигидан ҳар икки томон мамнунлиги изҳор этди. Томонлар иккала мамлакат халқларининг, Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг манфаатлари йўлида Совет — Австрия дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга интилаётганликларини таъкидлади.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида Совет Иттифоқи ва Австрия кескинликни юмшатиш жараёнини изчиллик билан ривожлантириб боришни, қуролланиш пойгаси тўхтатилиши ва ядро уруши хавфи бартараф этилишини ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаётганликлари уқтириб ўтилди. Шу муносабат билан бетараф давлатлар, жумладан Австрия ҳам мана шу жараённи тезлаштириш учун ихтиёрларида бўлган яхши имкониятларга эътибор жалб қилинди.

(ТАСС).

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ— ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 19 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон, учинчи устун —мавсум бошидан буён (топширилган нисбатан процент ҳисобида).

Хоразм	6,5	152,5
Наманган	3,3	108,4
ҚҚАССР	—	103,6
Андижон	1,8	88,6
Бухоро	1,4	72,3
Тошкент	1,4	70,1
Фарғона	3,8	61,5
Жиззах	1,2	60,7
Сирдарё	2,0	54,9
Қашқадарё	1,9	45,3
Самарқанд	1,7	44,1
Сурхондарё	2,4	30,6
Республика бўйича:	2,0	65,3

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Австрия Республикасининг ташқи ишлар министри В. Пар 18 декабрда расмий визит билан Совет Иттифоқига келди.

Шу куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан В. Пар ўртасида музокаралар бошланди.

Музокаралар давомида Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасида ўзаро муносабатларнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Министрлар ҳар иккала мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга интилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи муҳим халқаро масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Музокаралар дўстона амалий вазиятда ўтмоқда.

(ТАСС).

БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ ИНФОРМАЦИОН ПРОГРАММАЛАР

19 декабрь куни Тошкентда иш бошлаган телевидение журналистлари Бутуниттифоқ ижодий семинари информацион телепрограммаларни янада қизиқарли, мазмунли ва тушунарли қилиш мавзуларига бағишланди. СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретари В. А. Архангельский семинарни очди.

Семинарнинг биринчи кунида Марказий телевидение «Вақт» информацион программасини чиқариш тажрибалари, изланишлари ва истиқболлари кўриб чиқилди, бошқа ижодий масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЛАР РАПОРТ БЕРМОҚДАЛАР

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Қирғизистон ССР меҳнат кашлари 1978 йилда давлатга сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва пилла сотиш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини бажардилар. Қанд лавлаги, узум, картошка сотиш планлари ошириб бажарилди. Пахта ва эфир мойли экин маҳсулотларини харид этиш плани бажарилди.

Тайёрлаш пунктлари ва қайта ишлаш корхоналарига 1537 минг тонна қанд лавлаги, 205 минг тонна пахта, 240 минг тонна сабзавот, 90 минг тонна мева, 72 минг тонна картошка, 1126 тонна пилла топширилди.

Шаҳарлар ва саноат марказларига сабзавот, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари юбориш планлари ошириб бажарилди.

Оламда нима гап

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ СОВЕТ КОМИТЕТИ БАЁНОТИ

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети баёнот эълон қилди. Шу баёнотда комитет Кампучия Бирлашган миллий нажот фронтининг тузилганлигини совет жамоатчилиги кенг доиралари номидан табриклайди.

Жаҳон демократик жамоатчилиги, Кампучия халқининг барча ҳақиқий дўстлари шу ватанпарварлик ташкилотининг тузилганлигини унинг ўз ватанини қутқариш учун курашида муҳим сиёсий воқеа деб ҳисоблайди.

Мана шу қадимий ва ажойиб мамлакат бўлмиш Кампучия халқининг тақдири тўғрисида кейинги кунларда олинган фожиали хабарларни тинчликсевар кучлар ачиниб ва ғазаб билан кутиб олдилар. Пол Пот-Иенг Сариннинг халққа қарши авантюристик гуруҳи Пекиннинг тўла ёрдами ва ғаразгўйлиги туфайли ҳокимиятни ўз қўлига олиб, ўз халқига қарши, унинг маънавий ва моддий бойликларига қарши шиддатли жанг олиб бормоқда. Пекин раҳбарлари гиж-гижлаётган бу душман тўда Вьетнам Социалистик Республикасига қарши чегарада хунрезлик урушини бошлаб юборди. Шундай бир вазиятда Кампучиянинг барча ҳақиқий ватанпарвар кучлари ҳозирги реакцион режимга қарши қатъий кураш олиб бораётганликлари табиий бир ҳолдир. Кампучия Бирлашган миллий нажот фронти шу кураш байроғини баланд кўтариб, ўзининг барча ватандошларини диктаторлик режимини тугатишга ва социализм қураётган мустақил, тинч, демократик, бетараф, блокларга қўшилмаган Кампучияни барпо этишга чақирди. Қўшни давлатлар билан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан тинчлик ва дўстликни барқарор қилиш учун, Кампучия халқи билан дўст Вьетнамга қарши Пекинга тарафдор тўла бошлаган урушни тугатиш учун курашга отланган фронтнинг баёнотини тўла ҳайрихоҳлик билан кутиб олинди.

Кампучия ватанпарварларининг очиқ-равшан сиёсий йўли фақат Пекин раҳбарларигагина ёқмай қолди. Улар фронт ва Вьетнам Социалистик Республикаси шаънига бошдан-оёқ ёлғон, тухматдан иборат айбларни қўймоқдалар. Аммо мустақил Кампучиянинг тақдирини истиқбол ва гегемонизмдан халос бўлиш учун курашаётган шу мамлакатнинг ўз халқи ҳал қилади.

Ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги қадимий дўстлик анъаналарига содиқ бўлган совет кишилари Кампучия ватанпарварларининг ҳаққоний ишига ҳамиша қатъий тарафдор бўлиб келди, совет кишилари Кампучия халқининг ҳақиқий намояндаси ва Кампучия халқи манфаатларининг ифодачиси бўлмиш Кампучия Бирлашган миллий нажот фронтига унинг олиб бораётган оliжаноб ватанпарварлик ишида катта муваффақиятлар тилайди.

Телетайп лентасидан

● **УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг илмий ташкилотлари шу беш йилликда етти юздан зиёд ихтиро ва техникавий очимларни ишлаб чиқаришга жорий этди. Булардан 40 миллион тугрик иқтисодий самара олинди.**

Монголия олимлари ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида иш сифатини яхшилаш, мавжуд хом ашё ресурсларини аниқлаш ва улардан кенг фойдаланиш каби проблемаларни ҳал этишга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

● **БОННИ. ГФР 1977 йилда бошқа мамлакатларга салкам 2 миллиард маркалик қуроллар ва ҳарбий техника сотган. Бу ҳақда Ғарбий Германияда чиқадиган «Виртшафтсвохе» газетаси хабар берди.**

Ғарбий Германия концернлари чет давлатларга стказиб бераётган қуроллар турлари орасида сув ости кемалари, торпеда отувчи катерлар, ракеталар, ўқ отувчи қуроллар бор.

(ТАСС).

ҲАР БИР СУМНИ, ҲАР БИР МЕҲНАТ СОАТИНИ, МАҲСУЛОТНИНГ ҲАР БИР ТОННАСИНИ АНИҚ ҲИСОБЛАШ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ХЎЖАСИЗЛИК ВА ТАРТИБСИЗЛИКНИ МУТЛАҚО ТУГАТИШ — БИЗНИНГ ЮКСАК ПАРТИЯВИЙ БУРЧИМИЗДИР.

ЗЕРО, БИЗ ЎЗИМИЗ УЧУН ЭНГ АЗИЗ БЎЛГАН ВАТАН БОЙЛИГИ ВА ҚУДРАТИ ЙЎЛИДА, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ТЕЖАЙМИЗ.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Халқ контроли Саҳифаси



ФАРҒОНА. Олтиариқ район маҳсулот тайёрлов ва харид қилиш давлат инспекцияси район пахта тозалаш заводларида пахта толаси сифатини ошириш борасида катта назорат ишлари олиб бормоқда. Суратда: давлат инспекцияси инспектори, район халқ контроли комитетининг аъзоси Расулжон Шаропов ва Олтиариқ пахта тозалаш заводининг лаборанти Лида Петрико ўртоқлар корхона ишлаб чиқараётган тола сифатини текшириб кўрмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

ҲАР СОҲАДА ЎРНАК

ПАХТАЧИ РАЙОНИДАГИ КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ХАЛҚ КОНТРОЛИ ГРУППАСИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Район халқ контроли комитетида халқ назоратчилари жанговар группалари ҳақида гап кетгудек бўлса — ер тузувчи инженер, партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Мурод Номозов бош бўлган Калинин номли колхоз халқ назоратчилари группаси фахр билан тилга олинади.

Бу йирик хўжалик коллективи ишлаб чиқариш самарадорлигини йил сайин ошира бориб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг зардоб учинчи йилида хўжалик меҳнаткашлари давлатга 6.6 минг тонна пахта, 1425 тонна дон, 26,5 тонна пилла, 190 тонна ҳўл мева, 266 тонна сабзавот, 110 тонна узум, 1056 тонна сут, 150 минг дона тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Шубҳасиз, бу ютуқларнинг барчасида колхоз халқ назоратчиларининг катта ҳиссаси бор. Уларни эрта кўкламдан то кеч кузга қадар далада — қайноқ иш участкаларида учратасиз. Группанинг касблари агроном, механизатор, сувчи, чорвадор бўлган ҳар бир аъзоси конкрет топшириққа эга бўлиб, улар ўтказилаётган рейд ва текширишларнинг юксак савияда бўлишини таъминламоқдалар.

Колхозда бош группадан ташқари ўз сафларида 177 нафар халқ назоратчиларини бирлаштирган бешта цех группалари ва 14 та пост ишлаб турибди. Бош группа бюросидаги 9 кишининг ҳар бири белгиланган иш участкаларига эга. Улар биттадан секторни бошқарадилар. Масалан, дала ишлари секторига агроном Ж. Худойбердиев раҳбарлик қилса, чорвачилик секторини зоотехник Б. Мардонов олиб боради. Механизация сектори билан инженер К. Тоғаев шуғулланса, социалистик мулкнинг дахлсизлиги бўйича колхоз комсомол комитетининг секретари Х. Ботиров машғул.

Группа ва унинг секторлари ўз активларига таяниб, ўтказилаётган ҳар бир текшириш ва рейд давомида колхоз ишлаб чиқаришини чуқур таҳлил қиладилар, янги-янги таклифлар киритадилар. Кўтарилган масалалар колхоз правленниесида бригада бошлиқлари, механизаторлар, чорвачилик фермаларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда муҳокама қилинади.

Халқ назоратчилари қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Экин-тикин даврида уларни экиш агрегатлари ёнида, йиғим-терим мавсумида эса терим машиналари ва комбайнлар қошида учратасиз. Хирмонларда, йўлларда, тарози бошларида навбатчиликда кўрасиз. Буларнинг ҳаммаси жойларда юз бераётган камчиликларни тезда бартараф этиш имконини бермоқда.

Моддий ресурслардан, биринчи галда техникадан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан, озуқа базасидан рационал фойдаланиш, меҳнат ва давлат интизомига риоя қилиш каби муҳим масалалар назоратчилар диққат-эътиборида турибди.

Олдиндан белгилаб олинган пухта план асосида иш кўраётган колхоз халқ назоратчилари хўжалик ишлаб чиқаришининг барча участкалари ва тармоқларидаги аҳволни чуқур таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этиш учун конкрет тавсиялар ишлаб чиқмоқдалар. Энг муҳим масалаларни бригадирлар, механизаторлар, чорвачилик фермалари бошлиқлари иштирокида ўтказиладиган колхоз правленниеси мажлисининг муҳокамасига қўймоқдалар. Шунингдек, халқ контроли группаси ва постларини колхоз партия ташкилоти мунтазам қўллаб-қувватлаб турибдики, буларнинг ҳаммаси уларнинг фаолиятида катта роль ўйнамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, назорат постлари аъзолари — механик-ҳайдовчилар йиғим-теримда барчага ўрнак бўлишди. Айниқса, Ф. Сатторов, И. Муҳаммадиев, Ф. Ўроқов, Д. Турсунов сингари назоратчилар — «зангори кема» капитанлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилдилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда ўз терим машиналари билан 200-300 тоннадан «оқ олтин» териб, юксак мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Р. Назарова, И. Бобоқулова, Б. Маманиёзов, Ш. Султонова сингари ўнлаб назоратчиларимиз қўлда пахта териш кунлик нормаларини бутун мавсум давомида 1,5-2 ҳисса ошириб уддаладилар.

Халқ контроли бош группасининг пахтачилик бўйича сектори йиғим-терим ишларининг пешқадамлари — халқ назоратчилари эришган ютуқларни бутун коллективнинг ютуқларига айлантиришда ташаббускор бўлди. Бу — халқ контроли цех группалари ва постларининг, барча назоратчиларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаб, текшириш ва рейдларнинг, танқидий мулоҳазаларнинг салмогини, аҳамиятини ва таъсирчанлигини оширди.

Назоратчилар жамоат чорвачилиги тараққиётига алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар. Ем-хашакдан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш, озуқа тайёрлаш технологиясига риоя қилиш каби тармоқнинг муҳим масалалари катъий назорат остига олинди.

Яқинда ўтказилган текшириш чорвачилик фермасида ем-хашак молларга майдаланмасдан, ивитилмасдан берилаётганини, тежамкорлик режимига риоя қилинмаётганини кўрсатди. Аниқланган камчиликлар ўз жойида тезда бартараф этилди. Бироқ, назоратчилар бу билан чекланиб қолишмади. Масала колхоз правленниеси мажлисига киритилди. Озуқа тайёрлашда белгиланган технологиянинг бузилиши ва емхашакни ҳисобга олишда камчиликларга йўл қўйилишига айбдор кишилар жазоланди. Нуқсонларни тузатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди. Такрор текшириш шуни кўрсатдики, ферма раҳбарлари, мутахассислар ва барча чорвадорлар назоратчиларнинг тавсияларидан тўғри хулоса чиқариб олдилар. Кўрсатилган камчиликлар тўла бартараф этилди.

Назоратчилар қишлоқ хўжалик техникаси, автотранспорт, минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материаллари ва электр энергияни кўплаб тежаш устида зийраклик билан кузатиш олиб бормоқдалар. Жумладан, бу йил кўклам чоғи колхознинг 7, 8, 11-бригадаларида очиқ ҳавода қолиб кетган 60 тонна минерал ўғит сақлаб қолинди. Ёнилғи-мойлаш материалларининг сарфланиши, электр энергиядан фойдаланиш борасида содир бўлаётган камчиликларнинг ҳам олди олиниб, уларни тузатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Колхоз халқ контроли группаси орттирган тажрибалар шундан далолат берадики, хўжаликда эришилган барча ютуқларнинг асосий омилларидан бири ҳар бир халқ назоратчисининг группа ишида фаол иштирок этишидир. Қолаверса, уларнинг «Комсомол прожектори» аъзолари ва кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатганликларидир. Колхоз назоратчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари ва фаол ишлари билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозониб, катта обрў орттирмоқдалар.

В. АГАЖОНОВ,
Самарқанд область халқ контроли комитетининг инспектори.

ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР

АЖАБ САВДОЛАР

Область партия комитети бюроси мажлисида Бухородаги 163-қурилиш трести бошқарувчиси Анвар Ражабовга савол берилди:

— Ишга туширилиши керак бўлган объектлар қурилишининг чўзиб юборилаётгани ва капитал қурилиш бўйича белгиланган квартал планларнинг бажарилмаётганлигига сабаб нима?

У шошиб қолди. Қурилиш сохасида узоқ йиллардан буён ишлаб, анча билим ва тажриба орттирган бўлса-да, бу гал саросимага тушди. Чиндан ҳам унинг трестга бошқарувчи бўлиб тайинланганидан буён иши юришиб кетмаяпти. Трест бир вақтлар республикада довруқ таратган илғор қурилиш ташкилотларидан эди. Фақат кейинги икки-уч йил ичида «оқсайдиган» бўлиб қолди. Ажратилган капитал маблағлар ўзлаштирилмай, объектларнинг қурилиш муддатлари чўзиб юборилаверди. Бажарилмаган ишлар бажарилди деб, ёлғон ахборотлар берилди. Қўшиб ёзишлар, узундан-узоқ мажлисбозлик авж олди, меҳнат интизоми бўшашиб кетди.

...Ражабовнинг боши қотиб, нима деб жавоб қилишга қийналар эди. «Хўш, нима десин? Бор камчиликларни рўй-рост очиб ташласинми, ё бу гал ҳам ваъда бериб, осонгина қутулиб кетаверсинми?» У шу хаёллар билан ён атрофига қаради. Ўтирганларнинг бирортасидан садо чиқмади. Орқароқда ўтирган 20-«Бухараоблсельстрой» трести бошқарувчиси А. Маҳмудовнинг нигоҳига нигоҳи тушиб, баттар асабийлашди. У ғўё: «Менинг ҳам аҳволим танг, қўшнижон? Шу саволни ҳозир менга беришса, нима жавоб қиламан», — деб тургандек эди. Шу аснода уларнинг ҳар иккиси кўзи олдидан яқиндагина бўлган тафтиш жараёнлари лип-лип ўта бошлади.

Ўшанда область халқ контроли комитети вакиллари ҳар иккала трестда юз бераётган камчиликларни юз-хотир қилмай, рўй-рост очиб ташлашди. Чуновчи, шу йилнинг биринчи кварталида 163-қурилиш трести 6950 квадрат-метр уй-жой, 280 ўринли болалар боғчасини, 20-«Бухараоблсельстрой» трести эса Бобкент районидаги марказида 16 квартирали, Навоий районида 8 квартирали уй-жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширишлари лозим эди. Амалда эса бу объектларнинг бирортаси ҳам белгиланган муддатда ишга тушмади. 1975 йилдаёқ битказилиши керак бўлган ихтиосслаштирилган касалхона қурилиши ҳамон чала ётибди. Трестда шу йилнинг ўтган олти ойи учун ажратилган капитал маблағнинг атиги 9 процента ўзлаштирилганлигини нима деб баҳолаш мумкин?

Текширишда фойдаланишга топширилган объектларда қурилиш-монтаж ишлари сифатсиз бажарилаётганлиги аниқланди. Ўтган йилнинг охирида ишга туширилган 7 объектнинг 4 тасида жуда катта етишмовчиликлар борлиги фош этилди. Сифатсиз бажарилган ишлар ҳажми 3-қурилиш-монтаж бошқармасида 67 минг сўмга, 219-механизацияласган кўчма колонна бўйича 25 минг сўмга кўпайиб кетди. Фойдаланишга топширилган 67, 68-уй-жой биноларининг полари яхши қоқилмади, пардозлаш ишлари нихоясига етмади. 2 та болалар боғчасида 38 минг сўмлик ишнинг чала қолиб кетганлиги эса гоят ачинарлидир.

Кейинги ойларда 163-қурилиш трестида интизомсизлик, масъулиятсизлик ва кўзбўямачилик шу даражага бориб етдики, бу ерда турли хил қўшиб ёзишлар билан юқори ташкилотларни чалғитишга уринишли. Н. Камбаров, У. Маҳмудов, Н. Файзиев ўртоқлар бошлиқ бўлган 2, 3 ва 4-қурилиш-монтаж бошқармаларида юз берган бундай ҳоллар кўпчилиги ташвишга солди. Трестнинг ярим йиллик ҳисобот ҳужжатларида 11 миллион 343 минг сўмлик иш бажарилди, план 100,1 процент адо этилди, деб қайд қилинган. Тафтиш чоғида бажарилган иш ҳажми 307 минг сўмлик кам эканлиги аниқ бўлиб қолди. Ошириб ёзилган ишлар ҳажми иккинчи қурилиш-монтаж бошқармасида 145 минг сўмни, 3-қурилиш-монтаж ташкилотида қарийб 100 минг сўмни ташкил этди.

20-«Бухараоблсельстрой» трести суст ва сифатсиз ишлашда 163-қурилиш трестидан ҳам ўзиб кетди. 1977 йилда бош пудрат бўйича 87 процент иш бажарилди. 6568 квадрат метр уй-жой қурилмай қолди. Касалхона, поликлиника объектларини тиклаш 86 ва 25 процент атрофида бажарилгани қурилиш раҳбарларини ташвишга солмади. Маҳаллий Советларга қарашли объектлар қуриш учун ажратилган капитал маблағ шу йилнинг ўтган олти ойида 53 процент ўзлаштирилди. Шунингдек, маданий объектлар бўйича 17 процент, касалхона ва поликлиникалар бўйича эса 55—50 процент иш бажарилди, холос. Пировардида, трест бўйича 1,3 миллион сўмлик иш кам амалга оширилди.

Бюро йиғилишида ҳар иккала трест бошлиқлари А. Ражабов ва А. Маҳмудов ўртоқларга жуда тўғри савол берилди. Бироқ, улар бу ҳақли саволга аниқ жавоб бериш ва унлан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига ҳар галгидек яна камчиликларни хас-пўшлашга, масъулиятдан қочиб қутулишга ҳаракат қилдилар. «Бажарамиз, нуқсонларни тугатамиз», — деган қуруқ ваъдалардан нарига ўтмадилар. Дарвоқе, савол туғилади:

— Бу ваъдаларнинг чеки борми?

Ҳ. ҚОДИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

АНДИЖОН

Шу йилнинг апрель, май, июнь ойларида областдаги кўплаб корхоналарда ёқилғи, ёнилғи ва электр энергиядан фойдаланишда хўжасизлик ҳолларига йўл қўйилди. Баъзи корхоналарда мавжуд қувватлар тўла ишга туширилмади. Ленинск шаҳридаги темир-бетон буюмлари заводида иқтисод ва тежамкорлик режимига кўнгилдагидек риоя қилинмади. Механика заводида электр энергиядан хўжасизларча фойдаланилди.

Область халқ контроли комитети Ленинск темир-бетон буюмлари га механика заводлари бош инженерлари Ю. Урбодов, В. Помогалов ўртоқларга виговор берди.

УРГАНЧ

Райондаги «СССР 50 йиллиги» колхозида ўтган йили гўшт ишлаб чиқариш 64, сут 97, тухум 25 процент бажарилган эди. Афсуси, колхозда аҳвол бу йил ҳам яхшиланмади. Хўжаликда чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, қорамоллар сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, оғир қўл ишларини механизациялаш сингари муҳим чоралар бўйича белгиланган конкрет тадбирлар амалда бажарилмади.

Худди шунингдек Хонқа районидаги Навоий номли колхозда ҳам ана шундай камчиликларга йўл қўйилди. Ҳар йили хўжаликда ҳам чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлиги пасайиб кетди. Корамолларнинг кунлиқ ўртача семириш даражаси пландагидан икки баравар кам бўлмоқда.

Область халқ контроли комитети «СССР 50 йиллиги» колхози раиси Нуруллаевга виговор эълон қилиб, «СССР 50 йиллиги» ва Навоий номли колхозларнинг бош зоотехниклари Қурбонов ва Матёқубов ўртоқларни тегишинча жазолади.

ФАРҒОНА

Фарғона йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш ишлари суст бораяпти. Меҳнат интизомининг пастлиги, объект темир-бетон ва металл конструкциялар, технология ускуналари, кабел маҳсулотлари сингари зарур қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминланмаслиги туфайли капитал маблағларни ўзлаштириш планлари ой сайин бажарилмай қоляпти. Бунда буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар — 8-қурилиш трести ва 4-қурилиш бошқармаси коллективлари айбдордирлар. Халқ назоратчиларининг аниқлашича, иншоотда паст сифат билан бажарилган ишларни эндиликда тузатиш учун салкам 1 миллион сўм қўшимча маблағ керак бўлади.

Область халқ контроли комитети 4-қурилиш бошқармаси бошлиғи Фурсовни тегишинча жазолаб, 8-қурилиш трести ва комбинат раҳбарлари диққатини корхона реконструкцияси бўйича белгиланган план топшириқларининг бажарилишини таъминлайдиган чораларни кўришга жалб қилди.

ЧИРЧИҚ

Халқ назоратчилари «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ишида жиддий камчиликлар борлигини очиб ташладилар. Чуночи, корхонада маъмуриятнинг ўринсиз рухсати билан ҳар хил прогуллар, отпускалар сони йил сайин ошиб, кўплаб иш вақти бекор ўтган, Фабрикада шу йилнинг ўтган саккиз ойи давомида 4 минг сўмнинг нам маҳсулот тайёрлагани бунинг далилидир. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортименти ва сифати ҳам талаб даражасида эмас.

Шаҳар халқ контроли комитети йўл қўйилаётган камчиликлар учун корхона директори З. Горяенов ва бош инженер Т. Люкшина ўртоқларни жазолади ва улардан мавжуд нуқсонларни тезда тугатиш борасида зарур чора-тадбирлар белгилашни талаб қилди.

РАССОМ ХАНДАСИ

МУҲИМ ВАЗИФАГА СУСТ ЭЪТИБОР

Тошкент область Оржоникидзе районидаги айрим корхоналарда металлом тўплашга яхши эътибор берилмаяпти. Чуночи, Тошкент ГРЭСи шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 3505 килограмм металл йиғиб топшириши керак эди. Бироқ, план атиги 17,5 процент бажарилди, холос. Устига-устак корхонада октябрь, ноябрь ойлари учун белгиланган план ҳам бажарилмай қолди.

Бу ҳақда корхона раҳбарлари жиддий ўйлаб кўрмоқлари даркор.

Т. БОЗОРОВ.

АКС ҲОЛДА...

Охунбобоев номли колхоз бу йил ҳам дағал хашак жамғариш планини бажаролмади. Жамғарилган 2000 тонна дағал хашак, 90 тонна беда пичани, 900 тонна сенаж, 4100 тонна силос хўжалик чорвачилигини қишдан тўқ ва семиз ҳолда олиб чиқиш учун кафолот беролмайди. Энг ачинарли жойи, жамғарилган ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланилмаётир. Молбоқарлар озуқани кирқиб, буғлаб, унинг хушҳўрлигини орттириб беришга эътибор қилмаётирлар.

Ҳали ҳам кеч эмас. Колхоз раҳбарлари ва мутахассислари чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрмоғи керак. Айниқса, етиштирилган озуқабоп лавлагини йиғиштириб олиш ва омборларга жойлаштириш ишларни тезлаштирилиши даркор. Акс ҳолда қиш-қировли кунларда колхоз чорва моллари ночор аҳволга тушиб қолиши турган гап.

А. МИРЗАЕВ,
Фарғона область Тошлоқ райони.

Расмларни А. Холиқов чизган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«МЕНДАН КЕТГУНЧА...»

Газетанинг шу йил 10 сентябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Фарғона областида мактабгача тарбия муассасалари тармоғи сезиларли даражада кенгайиб бораётганлиги, Қувва, Киров, Ленинград, Ўзбекистон, Рўштон районларида мактабгача тарбия муассасаларини янада ривожлантириш тўғрисида алоҳида гамхўрлик қилинаётганлиги қайд этилиб, бироқ Тошлоқ, Олтиариқ районларидаги баъзи хўжалик ва қурилиш ташкилотлари бу масалага панжа орасидан қараётганлиги, қурувчилар мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш кўраётганликлари ва бошқа камчиликлар қаттиқ танқид қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан қуйидагича жавоб олинди: мақола «Облколхозстрой» трестининг кенгайтирилган техник кенгашида партия, совет органлари ва трест бўлинмаларининг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Газетада келтирилган барча фактлар «Облколхозстрой» трести бўлинмалари ишида учрайди.

Ушбу кенгашда мақолада кўрсатилган болалар боғчалари қурилишидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Ана шу тадбирларга кўра, яқин кунларда Тошлоқ районидаги Ленин номли колхозидаги тўқсон ўринли болалар боғчаси қуриб, ишга тушириليди. 49-махсус механизацияласган кўчма колоннанинг прорабига пардозлаш ишлари сифатсиз бажарилганлиги ва бракка йўл қўйилганлиги учун қаттиқ виговор берилди. Қўл остидаги одамларга нисбатан совуққонлик билан қараганлиги ва ишнинг сифатсиз бажарилишига йўл қўйганлиги учун кўчма колонна бошлиғи Б. Н. Рафаилов қаттиқ огоҳлантирилди.

Сут ошхоналарини мунтазам равишда сут билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бу борада камчиликларнинг содир бўлишида айбдор бўлган хўжалик раҳбарлари огоҳлантирилди ва улар зиммасига сут ошхоналарида нормал иш шароити яратиш, уларни транспорт ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг жамоат ноҳаклиги ва мактабгача болалар муассасалари бўлими бошлиғи ўртоқ К. Мамасодиқова хўжаликлар томонидан сут ошхоналарининг сут билан мунтазам таъминланишини назорат қилиб туриш ва бу ҳақда вақти-вақти билан область Совети ижроия комитетини хабардор қилиб туриш топширилди.

ҚИШДАН КЎРМА

[БАЪЗИ БОҚИ-БЕҒАМЛАРГА]

Кўк элаги қор эласа,
На эшик тахт, на дераза,
Цехда ишга ҳамма маза
Эй бепарво, қишдан кўрма!

Ёзда вақтни бой берганким?
Ғишт ўрнига гап тергаким?
Ремонт чала, сен юрдингжим,
Энди асло қишдан кўрма!

Қозон носоз, қувур ёриқ,
Изгирин кун-кундан ортиқ,
Совқотсанг «муз рақсига» чиқ,
Қилиб ялло, қишдан кўрма.

Ваъдаларда қани субут?
Фермада оз ем билан ўт,
Мол оч қолиб камайса сут,
Сендан, ошно! Қишдан кўрма!

Усти очиқ эски гараж,
Машиналар гўё «фалак»,
Қил чорасин, ахтарма важ,
Бас, бу хато! Қишдан кўрма!

Қиш келди-ю, сен эмас шай,
Пўстин, қўлқоп гамин емай,
Тумов бўлсанг, дегум атай:
Лойиқ жазо! Қишдан кўрма!

Фозил ЗОҲИД.
Хоразм.

НАЗОРАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

ТОКАЙГАЧА ЧЎЗАСИЗ?

Чўлда нима кўп, қурилиш кўп. «Каршицелинстрой» трестига қарашли 27-механизацияласган кўчма колонна бошлиғи Жаҳонгир Шаропов ҳам ана шундай қурилишлардан баъзиларига мутасадди. Аммо, колоннада муҳим қурилишлар бошланиб, битказилмай ташлаб кетилавергани кўпларни ғайрон қолдирмоқда. Колонна шу йил Нишон районида ташкил топган 1-совхозда 2860 квадрат метр уй-жой, 8 та шийпон, ҳар бири 400 квадрат метрли 2 та ётоқхона қуриб, фойдаланишга топшириши лозим эди. Бироқ, ёз ўтиб, куз келди, қиш ҳам бошланди. Ва бирор квадрат метр уй-жой, на биронта шийпон ва на биронта ётоқхона фойдаланишга топширилгани йўқ.

Совхоз чўлқуварлари хўжалик ташкил этилган кунининг эртасигаёқ иш бошлаб, 1610 гектар ялғи ер очдилар, мўл ҳосил етиштирдилар. Хўжалик республикада биринчилардан бўлиб, пахта тайёрлаш планини бажарди. Республика партия-ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини, ВЛКСМ Марказий Комитетининг табрик телеграммасини олди. Хуллас, деҳқонлар ваъдасига вафо қилишдию, Иброҳим Набиев бошлиқ «Каршицелинстрой» трести ва унинг 27-механизацияласган кўчма колоннаси раҳбарлари сўзлари устидан чиқмадилар. Яқинда бир группа механизаторлар колонна бошлиғи Жаҳонгир Шароповни учратиб, саволга тутдик.

— Ваъдалар нима бўлди? Қиш-қировли кунларда ер суғоришимиз, ариқ қазишимиз керак. Совуқ тушиб қолди. Аммо ҳали уй-жойларимиз тайёр бўлгани йўқ. Қурилиш материаллари келтирилган. Маблағлар ажратилган. Шунга қарамай, ишдан ҳамон дарак йўқлигини нима билан изоҳлайсиз?

Бошлиқ яна ваъдаларни қалаштириб ташлади. Ҳадемай ишни бошлаб юборса керак деб ўйлаган эдик. Ялғишган экканмиз, ҳали-бери қурилиш бошланадиганга ўхшамайди. Хуллас, совхозимиз қурилишида ана шунақа «антика» ишлар бўляпти.

Ҳасан ҲАҚҚУЛОВ,
Азамат ШОДИЕВ,
Қашқадарё область Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг механизаторлари.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

БИР МИНГ ИККИ ЮЗИНЧИ ОПЕРАЦИЯ

Фарғона область касалхонасига Марғилондан келтирилган О. исмли беморнинг аҳволи жуда оғир эди. Дастлабки диагноз асосида уролог шифокорлар яна бир марта текшириб кўрдилар: ўнг буйрак тамоман ишдан чиққан. Бемор шифокорларга жуда кеч мурожаат қилган, энди фақат операция йўли билан унга ёрдам бериш мумкин.

Операция столида ётган бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун шифохонанинг етакчи уролог-жарроҳи Е. Ёдгоров бўлим мудири Р. Нажмиддинов ва ординатор П. Норқобилов билан биргаликда бир, ярим соат мобайнида кураш олиб борди. Операция муваффақиятли ўтди. Малакали муолажа, врач ва ҳамшираларнинг меҳрибонлиги, ширинсўзлиги билан бемор икки ҳафтадан сўнг оёққа турди.

Бу моҳир жарроҳ Е. М. Ёдгоровнинг бир минг икки юзинчи операцияси эди. Илк марта операцияга Улуғ Ватан уруши кезлари, Москва Давлат медицина институтининг тўртинчи курсида эканидаёқ қўл урганди. Кейин Фарғона тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмида ишлади. 1953 йили Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида махсус таълим олиб қайтгач, уролог жарроҳлик билан шуғуллана бошлади. Болаларда учровчи буйрак касалликлари сабабларини қариб ўн беш йил мобайнида ўрганди ва шу мавзуда медицина фанлари кандидати деган илмий даража олиш учун диссертация ёқлади. Унинг ташаббуси билан область марказидаги касалхонада урология палатаси, Марғилонда, Қува, Охунбобоев ва Олтиариқ районларида урология кабинетлари очилди. Бу кабинетларда унинг шогирдлари кечаю кеча, кундузи кундуз демай меҳнат қилмоқдалар.

Е. МОРДУХАЕВ.

БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

Сурхондарё областининг Шеробод районидаги сўлим Вандоб қишлоғи ажойиб дам олиш зонасига айланиб бормоқда. Бу ерда область совхозлар трестининг А. Гайдар номли, «Советобод» совхозининг Д. Ҳидоризор», «Облкомхозстрой»нинг «Бешбўлоқ» лагерлари 8—10 йилдан бери ишлаб турибди.

Қишлоқнинг ям-яшил арчазорида область колхозлараро қурилиш ташкилоти кучи билан болалар бод касаллигини даволовчи 250 ўринли санаторий қуриб битказилди. Бу шифо маскани замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Болалар бу ерда даволаниш билан бирга билим ҳам оладилар. Санаторийда турли тўгараклар ишлаб турибди.

Ҳ. БАРОТОВ.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **М. Хидирова, С. Ҳандарова, В. Журавский** (Самарқанд), **С. Пирниёзов** (ҚҚАССР), **Қ. Акбаров, А. Ҳасанов, Ҳ. Қодирова, К. Низомова, С. Баҳанов** (Наманган), **М. Абдуллаев** (Андижон), **Ж. Мадгазин, Ю. Турсунов** (Тошкент), **Ю. Абдуалимов, Ш. Шодмонқулов** (Сирдарё), **Ж. Мўйсинов** (Қашқадарё), **Б. Валиев** (Бухоро) ва бошқа ўртоқлар ҳам редакциямизга турли мавзуда хат-хабарлар йўллашган.

Пассажирларга қулайлик

Урганч аэропортига қулай ва тез учар ҳаво лайнери — ТУ-154 самолёти қўнган кун халқ шодиёнасига айланди. 1-класс учувчи Т. Н. Чернов командирлигидаги экипаж нон-туз ва гуллар билан кутиб олинди. Аэропорта Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи Г. Рафикова ҳам ҳозир бўлди. Учиш майдони аъло даражада реконструкция қилинганлиги қайд этилди. ТУ-154 самолёти янги йилдан график бўйича қатнай бошлайди.

«СОВЕТ МАКТАБИ» ЖУРНАЛИ 60 ЁШДА

ШОНЛИ ЙЎЛ

Инсониятнинг бахт-саодати ва порлоқ йўлини кўрсатган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг буюк зафари чор Россиясининг чекка ўлкаларида ҳам жуда катта сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришларни вужудга келтирди. Шонли партиямиз ва ёш Совет давлати улуғ доҳий В. И. Ленининг доно кўрсатмаларига амал қилиб, миллий республикаларда халқ маорифийнг янги системасини таркиб топтириш, маданий революцияни амалга ошириш, миллий тилларда вақтли матбуот ташкил этиш орқали халқ онги ва тушунчасига таъсир кўрсатишнинг кенг тадбирларини ишлаб чиқди.

Бу тадбирлар орасида партия ва ҳукуматимизнинг 1918 йил 11 январда қабул қилган «Давлат нашриёти тўғрисида»ги декрети Туркистон ўлкасида ҳам вақтли матбуотнинг тараққий этишига, шу жумладан педагогик матбуотнинг вужудга келиши ва ривожланишига асос солди.

Ўзбек совет педагогик матбуотининг илк намунаси сифатида «Маориф» журналининг биринчи сони 1918 йил 1 декабрда босмадан чиқди. Туркистон Жумҳурияти Маориф Халқ Комиссарлигининг органи бўлган «Маориф» (ўзбек тилида) ва «Просвещение» (рус тилида) нашр этилиши фақат маорифчилар учун катта, севинчли воқеа бўлиб қолмай, балки республикамизнинг сиёсий ва маданий ҳаётида ҳам ғоят муҳим воқеа бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткаш халқ оммасини илм-маърифатдан баҳраманд қилиш, эски жамиятдан мерос бўлиб қолган саводсизлик, сиёсий ва маданий қолоқликдан қутқариш, хотинқизларни ҳақиқий озодликка олиб чиқиш учун халқ маорифини жадаллик билан ривожлантириш борасида бир қанча муҳим қарор ва ҳужжатлар қабул қилдилар. Республикамизда янги типдаги мактаблар, курслар, ишчи факультетлари кенг кўламда ташкил этила бошланди. Шу ҳужжатлар асосида республикада «Маориф» журналининг давоми сифатида «Билим ўчоғи», «Маориф ва ўқитувчи», «Политехник мактаб ва педагогика», «Совет педагогикаси» журналлари нашр этилди.

Мазкур педагогик журналлар қандай номларда чиқмасин, Коммунистик партиямизнинг доно миллий сиёсатини, мактаб-маориф ва маданият соҳасидаги қарор ва йўл-йўриқларини меҳнаткашлар оммасига етказишда, республикада маданий революцияни муваффақиятли амалга оширишда, кишиларни революцион ғоялар руҳида, Улуғ Ленин ишига, Коммунистик партия ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнади.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан республикамиздаги баъзи газета ва журналлар вақтинча чиқмай қолди. Шу жумладан «Совет педагогикаси» ҳам нашр этилмади. Уруш ғалаба билан тугагач, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг таълим-тарбия журнали ташкил этиш ҳақидаги қарорига биноан «Совет мактаби» журнали 1951 йил ноябрь ойидан бошлаб яна чиқа бошлади.

«Совет мактаби» журналининг ташкил топиши республикамизда жуда катта тикланиш ишлари олиб борилаётган бир даврга тўғри келди. Бу даврда мамлакатимизда етти йиллик умумий мажбурий таълимни амалга ошириш, мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, кўплаб педагогик кадрлар тайёрлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларга илмий-методик ёрдамни кучайтириш учун жиддий кураш олиб борилаётган эди. Журнал партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган ана шундай вазифаларни амалга оширишда мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларга, ўқитувчи ва халқ маорифи ходимларига яқиндан ёрдам беришга, таълим-тарбия ишлари савиясини яхшилашда маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилишга даъват этилган эди.

Маълумки, партиямизнинг тарихий XXIV ва XXV съездлари коммунистик қурилишнинг улуғвор программаларини белгилаб берди, уларда илм-фан, маданият ва халқ маорифининг янада барқ уриб ривожланиши ўзининг ёрқин ифодасини топган. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мактаб-маориф ва олий таълим тўғрисида кўпгина муҳим қарорлар қабул қилдиларки, уларнинг амалга оширилиши натижасида республикада халқ маорифи иши янада ривожланди ва равнақ топди.

Республикамиз мактаб ва маорифи соҳасида содир бўлган катта ўзгаришлар, муваффақиятлар билан бирга педагогик матбуотимиз ҳам ўсди ва ривожланди. Журнал мухлисларининг, обуначиларнинг сафи анча кенгайди. Ҳозирги кунда «Совет мактаби» журнали ўқитувчи ва халқ маорифи ходимларининг, олий ва ўрта педагогика ўқув юртларининг муаллимлари ва талабаларининг катта армиясига хизмат қилмоқда. Журналнинг тиражи 1951 йилда 10 минг, 1968 йилда эса 60 минг нусхани ташкил этган бўлса, ҳозир 90 мингдан ошиб кетди.

Журнал атрофида авторларнинг ишчан коллективи ташкил топди. Эндиликда бу коллектив партия ва ҳукуматимизнинг мактаб-маориф ҳақидаги қарор ва кўрсатмаларига, совет журналистикасининг ленинча партиявийлик ва оммавийлик традицияларига, замонамиз талабларига амал қилиб, журнал саҳифаларида берилаётган материалларнинг чуқур мазмунли, ўқитувчилар учун фойдали, уларнинг қундалик ишига ёрдам берадиган бўлишини таъминлаш учун курашмоқдалар. Ўзларининг салмоқли мақолалари билан халқ маорифининг долзарб вазифаларини, таълим ва коммунистик тарбиянинг мазмуни журнал саҳифаларида ўз ифодасини топди ва топмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг мактаб-маориф ҳақидаги қарорларига амал қилиб, журнал саҳифаларида «Ишлаб чиқариш таълими ва меҳнат тарбияси», «Касб танлаш — муҳим иш», «СССР Конституцияси амалда», «Олий таълим» каби янги рубрикалар ташкил этилди, энг яхши мақолалар учун очиқ конкурслар ўтказилди.

Редакция ва редколлегия нима иш қилмасин қандай ташаббус кўрсатмасин, ҳамиша ўз активига, журналхонлар кенг оммасига таянади. Унинг фаолиятини партия ва совет ташкилотларининг ёрдамисиз, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг ва унинг илмий-педагогик муассасаларининг иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

«Совет мактаби» журнали бундан кейин ҳам Коммунистик партия ва ҳукуматимиз томонидан халқ маорифини юксалтириш борасида қилинаётган катта ғамхўрликни халқимизга етказишда актив таргиботчи ва ташкилотчи ролини ўйнайди. Илғор илмий-педагогик фикрлар, илмий-методик маслаҳатлар ва илғор тажрибаҳорат мактаби сифатида республикамизнинг кенг маорифчилари оммасига хизмат қилаверади.

М. САМАТОВ.
«Совет мактаби» журналининг бош редактори.

Тошкент областининг Калинин районидаги Қўйлик теплица комбинати жами 20 гектарлик майдонга жойлашган. Бу ерда шаҳарликлар учун помидор, бодринг, лимон ва ҳар турли кўкатлар етказиб берилмоқда. Шу кунларда теплица хўжалигида янги йил дастурхонига ноз-неъматлар ҳозирлаш қизғин. Суратда: комбинатнинг илғор ишчиси Буойша Каримова.

Е. Ботиров фотоси.

СПОРТ

БОКС:

ҒОЛИБЛАР ДАВРАСИДА

Москвада Сергей Сивко хотираси совғини учун ўтказилган бахсда икки юздан зиёд чарм қўлқоп устаси иштирок этди. Вазнларига кўра ғолиб келган боксчилар орасида республикамиз вакиллари ҳам бор. Чунончи О. Зокиров билан Д. Поздеевлар қўлларининг баланд келиши мухлисларни мамнун этди.

БАСКЕТБОЛ:

ИККИ ЮТУҚ

Биринчи лига коллективлари орасида ўтказилаётган мамлакат чемпионати мусобақалари ишқибозларда яхши таассурот қолдирмоқда. Айниқса Тошкентнинг «Университет» командаси боскетболчиларининг учрашувлари қизғин спорт кураши остида ўтмоқда. Тошкентликлар навбатдаги учрашувларни Москванинг «Олмос» коллективи билан ўтказиб, муваффақият қозондилар. Вакилларимиз биринчи учрашувда 98:97 ҳисобида ғалабага эришиб, такрорий ўйинни 112:103 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилдилар.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● **ХОККЕЙ.** Москвада «Известия» газетаси совғини учун анъанавий халқаро турнир мусобақалари давом этмоқда. Учрашувларда Канада — Финляндия (3:3), СССР — Швеция (5:0) ва ЧССР — Канада (4:1), Финляндия — СССР (1:4) командалари ўзаро куч синашдилар.

● **ОГИР АТЛЕТИКА.** Фарғонада бир неча кун давом этган СССР чемпионати ва мамлакат кубоги учун курашда тўрт жаҳон рекорди ва бир Бутуниттифоқ рекорди ўрнатилди.

● **КУРАШ.** Андижонда самбо кураши бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги учун бахсда 80 спортчи ўзаро беллашди. Бунда тошкентлик самбочилар ғолиблик қилдилар. Тошкент области ва сурхондарёлик қурашчилар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

● **ЧИМ ХОККЕЙ.** Москвада аёллар командалари ўртасида ўтказилган анъанавий Бутуниттифоқ турнири якунланди. СССР терма командаси пешқадамлик қилди. Москвалик студентлар билан «Андижанна» қизлари иккинчи ва учинчи ўринларга кўтарилдилар.

САФГА ҚАЙТДИ

Коллектив ва шахс

Хонага ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган бир қиз ниманнибгина кириб келди. Саломаликдан сўнг директор Гулчеҳра Зайниддинованинг қўлига бир варақ қоғоз тутди. Ариза. «Мени ишдан бўшатишингизни сўрайман, деб Шаҳодат Неъматова».

— Не, нега бўшайсиз синглим, — деди майин оҳангда Гулчеҳра.

У ҳеч нарса демади, фақат ютинибгина қўйди.

— Сабабини билсак бўладими?

Қизнинг чарос кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш пайдо бўлди.

— Ишламайман дедим, ишламайман...

Боягина чиройли кўринган Шаҳодатнинг баланд пардали овози директорнинг қулоғига ёқимсизроқ эшитилди. Гулчеҳра бошини қуйи эгиб ўтирган қизга синчковлик билан назар ташлади.

— Атиги бир йил ҳам ишламай-а, — деди у, — ёки фабрика иши ёқмаяптими?

Савол жавобсиз қолди. қиз чурқ этмади. Директор бир зум турли хаёлларга борилди. «Ахир бу қиз нега бўшайди ишдан, бир гап борга ўхшайди. Афсуски, одамларнинг характерини дарҳол тушуниб етиш қийин. Қизгина руҳан эзилган шекилли...»

Гулчеҳра Шаҳодатни етаклаб гилам тўқиш цехига тушди. Цех мастери Зайнаб Олламуродова ва тажрибали тўқувчи Зумрад Эргашевалар билан Шаҳодат тўғрисида батафсил гаплашди.

— Шаҳодат оғир, вазнингина қиз, аммо, ҳайронман унга, — деди ғаи орасида Зайнаб, — ҳар доим «уф» тортиб қўяди.

— Унинг шахсий ва оилавий ҳаёти билан қизиқдинг-ларми?

— Рости, ҳаёлга келмабди шу, — деди мастер.

Директорнинг авзойи бузилди.

— Қаршо эмасман, деб ариза ёзибсиз-ку, сабабини суриштирмайсизлар. Ким билади, балки оиласида бирор етишмовчилик туфайли бўшаётгандир. Ҳар куни, ҳар соатда биз ишчидан план талаб қилишни биламиз. Унинг шахсий турмушини эса эсдан чиқарамиз. Бу одат яхши эмас. Менингча, зудлик билан Шаҳодатнинг аҳволини ўрганиб, керак бўлса ёрдам қилинглар...

— Хўп бўлади, — деди директорнинг аччиқ гапидан қизарган мастер.

— Шу қизга оталиқ қилишни менга топширсанглар бўлмайдими? — деди Зумрад опа Эргашева. — У билан ўзим бир шуғулланардим-да.

— Нега бўлмасин, бўлади...

Эртаси куни мастер Зайнаб Олламуродова ва Зумрад опа Шаҳодатнинг уйига бориб у ердаги аҳвол билан чуқур танишишди. Шаҳодатнинг холаси билан оддон суҳбатлашишди. Маълум бўлишича, қизнинг ёшлигида отаси ҳам, онаси ҳам сурункали касалланиб кўп вақт тўшакда ётган. Рўзғор ташвиши ёшгина Шаҳодатга қолган экан. Шароит йўқлиги сабабли саккизинчи синфдалигидаёқ мактабдан, тенгдошларидан ортда қолиб кетибди. Рўзғор деб ўқишни давом эттира олмаганлигини ўйласа кўнгли чўкиб кетарди унинг.

Мана, Зайнабга ҳам, Зумрад опага ҳам Шаҳодатнинг энди ички дунёси, ишдан бўшаш сабаби ойдинлашди. Улар шу кундан бошлаб Шаҳодатга муомалани ўзгартирдилар. Қизга ўз таъсирларини ўтказа бошладилар. Биргина улар эмас, бутун цех унинг кўнглини кўтариш, ўрни келганда моддий ва маънавий ёрдам бериш ҳаракатида бўлди.

— Биласизми синглим, ҳали яхши кунларингиз олдинда, — кунлардан бир кун Шаҳодатга насиҳат қилиб деди Зумрад опа. — Ишга келганда фабрикадаги оғирлигимиз меҳнатдан, баъзиларнинг кинояли гапидан чўчимаслик керак. Бундан буёғи тўқувчиликнинг айрим «сир»ларини ўзим пухта ўргатаман сизга. Интилсангиз, коллективга таянсангиз ҳаделмай илғорлар қаторидан ўрин оласиз. Ҳа, корхона ҳузуридаги кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқишни ҳам давом эттиринг. Фақат иродали бўлиш керак. Ўткинчи хаёлларга берилманг синглим, хўпми?

«Майли» дея бош ирғади Шаҳодат. Ўша куни ҳам, эрта-индинига ҳам у Зумрад опанинг ёнида ўтириб ишлади. Тажрибали ишчининг ишини кузатди. Унга қиёслаб ҳаракат қилди. Иши енгил кўчаётгандай туюлди унга. Смена нормасини ҳам бажарди. Шу куни тушлик пайтида директор учраб қолиб, у ҳам қизга анча далда берди.

Бугун Шаҳодат сменадан хурсанд бўлиб қайтаркан, директорнинг гапларини эслаб: «Корхона шундай даргоҳки, меҳнатдан қочмаганларни кўкка кўтаради. Мана, Кимё Темирова, донгдор ишчимиз у. Ҳар куни оёлик топшириқларини 150—200 процент қилиб бажаради. Бу йил у ВЛКСМ XVIII съездида делегат бўлиб қатнашди. Ёки, Машҳура Исмоновани олайлик. У ҳам сиздек дастлаб ишдан кетмаш, деган хаёлда оёқ тираб олганди. Мастер Хурсанд опа Меликова, цех коллективининг ёрдами билан фабрикада қолди. Касбга муҳаббат, ишга меҳр қўйди у. Чевар қиз эндиликда коммунистик меҳнат зарбдори, бир ойда 92 та ироқи дўппи тикади. Бундайлар фабрикада ўнлаб, юзлаб топилади».

Директорданги на эмас, мураббийси Зумрад опадан ҳам, бошқалардан ҳам Шаҳодат шундай далда берувчи гапларни кўп эшитди. Эшитган сари кўнгли кўтарилиб, ғайрати оша бошлади. Кўзи очилгандай бўлди. Иродасини қўлга олди. Директорга бўшаш ҳақида ариза берганлигидан ўзини-ўзи койиди. Яхши ишлаб кўзга кўрина бошлади.

Коллектив қўлида-қўймай уни кечки ишчи-ёшлар мактабига ўқишга жалб қилди. Гилам тўқишни, унга рангбаранг гуллар солишни пухта ўрганди. Дугоналари тугилган кунида мўъжазгина совға билан қутлаганда уни. Атрофидаги одамлар унинг учун қанчалик жон куйдираётганлигини қалбдан ҳис этди. Баланд руҳ билан ишлайдиган бўлди. Қисқа вақтда Шаҳодат Неъматова биргина гилам тўқиш цехидагина эмас, Шаҳрисабздаги «Ҳужум» балиғи буюмлар фабрикасида ҳам донгдор ишчилардан бири сифатида танилди. Номи корхонанинг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Ҳозир у фабрика қошидаги кечки ишчи-ёшлар мактабининг 10-синфида таълим олмоқда. Коллектив ёрдамида сафга қайтган ишчи фидокорлик кўрсатиб ишлаб, смена нормасини мунтазам ошириб бажаряпти. Айни вақтда Шаҳодат самарадорлик ва сифат ўнинчи беш йиллигининг учинчи йили марраси сари ўзиб кетди. Келгуси йил ҳисобига маҳсулот тайёрлашга киришди.

— Эндиликда жонкуяр мастер ва мураббий ишчиларимиз кўмагида коллективдан ўз ўрнини топиб олган Шаҳодат Неъматова, Кимё Темирова, Машҳура Исмонова каби ишчилар корхонамизнинг фахри бўлиб қолишди, — дейди фабрика директори Гулчеҳра Зайниддинова мамнунлик билан. — Ҳозир уларнинг ўзлари фабрикага келган ёшларга хунар ўргатгудай. Бу ҳам бўлса коллективнинг гамхўрлиги, ўзаро ҳурмат-эътибори, тарбиявий роли кучайиб бораётганидан.

М. ҚАРОМОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

реклама ва эълонлар

ТРАНЗИСТОР—СИЗНИНГ ДЎСТИНГИЗ ВА ҲАМРОҲИНГИЗ

У — ДАЛАДА, ТОГДА, САЕҲАТДА ҲАМ ҲАМИША СИЗ БИЛАН БИРГА. У СИЗНИ ҲАММА ВОҚЕАЛАРДАН ХАБАРДОР ҚИЛИБ ТУРАДИ, КУНДУЗИ ҲАМ, КЕЧАСИ ҲАМ ЗЕРИКТИРМАЙДИ. БОРДИЮ, СИЗ ОДАТЛАНГАН «МАЯК» СИГНАЛЛАРИ ЭШИТИЛМАЙ ҚОЛСА, ДЕМАК БАТАРЕЯ «ЎТИРИБ ҚОЛГАН» ҚУВВАТИ ТУГАБ ҚОЛГАН БАТАРЕЯЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШДА

УНИВЕРСАЛ ЗАРЯДЛИ ҚУРИЛМА — УЗУ-1 ТЕЗ ЁРДАМ БЕРАДИ

Универсал зарядли қурилма (УЗУ-1) бир вақтнинг ўзида чўнтак фонари, ўйинчоқ, транзистор учун ишлатиладиган битта ёки иккита ялпоқ батарея ёхуд олтита юмалоқ батарея заряд бериш учун мўлжалланган. Заряд бериш муддати: 1 батарея — 4 соат 2 батарея — 8 соат, 6 батарея — камида 18 соат.

Баҳоси — 5 сўм. Тайёрловчи — Конотоп шаҳридаги «Красный металлист» заводи. Гарантия муддати — магазинда сотилган кундан бошлаб 18 ой.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! УНИВЕРСАЛ ЗАРЯДЛИ ҚУРИЛМА (УЗУ-1) ҲАРИД ҚИЛИШ МАСАЛЛАРИ ЮЗАСИДАН «УЗХОЗТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО БАЗАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН.

«Узхозторг» республика улгуржи савдо базаси.
«Узторгреклама» телепрессагентлиги.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Ленин ордени ва Академик Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти қошидаги

ТОШКЕНТ БИР ЙИЛЛИК БОҒБОНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИ

1979 йилга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР УЧУН БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК, ПАЛЬМЕТТА БОҒЛАРИ БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР, ЦИТРУСЧИЛАР, ГУЛЧИЛАР ВА МАСТЕР-ТЕХНОЛОГЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Боғбонларнинг малакасини оширади ҳамда қўшимча равишда шоферлик касбига ўргатади.

МАКТАБГА БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК СОҲАСИДА 2 ЙИЛЛИК ИШ СТАЖИ БЎЛГАН 7—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ШАХСЛАР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мактабга ниқувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, шаҳодатнома), ўқишга юборилганлиги ҳақида ишлаб турган хўжалик томонидан берилган йўлланма, соғлиги ҳақида справка (286-форма), учта фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, мактаб директори номига ариза.

МАШҒУЛОТЛАР — 2 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тошкент райони, Гулистон қишлоқ Совети (107, 108-автобусларнинг «Сельсовет» бекати).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/XII да Корсар, 21 XII да Дилором, 22/XII да Жизель.

Узбекистон ССР Маориф министрлиги Г. С. Титов номли республика умумтаълим мактаби директори, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Содиқ Каримович РОЗИКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг сила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Фанлар академияси президиуми, Москва шаҳридаги аспирантлар ва стажёр-тадқиқотчиларнинг ётоқхона-меҳмонхонаси — директори А. И. Охунова онаси

Донохон ОХУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Қўрлар жамияти марказий правлениеси президиуми Узбекистон Қўрлар жамияти Тошкент ишлаб чиқариш комбинатининг бош инженери Б. Султонмуродова отаси

Султонмурод ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети коллективи маъмурий, бошқарма бош бухгалтерининг ўринбосари Ҳ. Абдумажидовга ўғли

Насрулло АБДУМАЖИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — «Йигирма тўқиз ёшли баҳор». Бадиий фильм. 11.35 — «Кинонасиҳатчилар клуби». 12.35 — Янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Фильм-концерт. 16.15 — «Спортчилар класси». 16.45 — «Фан оламида». 17.30 — «Горичлар, қардасизлар». 18.05 — «Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этади. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — «Одамда нима гап». 19.30 — Концерт. 19.55 — «Врач суҳбатлари». 20.25 — «Уй қурилмоқда». Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «210 қадам» (поэма). 23.00 — Фильм-концерт. 23.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Болалар учун кўрсатув. 18.00 — Москва. «Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этади. 19.00 — «Одамда нима гап». 19.30 — Концерт. 19.55 — «Врач суҳбатлари». 20.25 — «Уй қурилмоқда». Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «210 қадам» (поэма). 23.00 — Фильм-концерт. 23.35 — Янгиликлар.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ватаним ҳақида қўшиқлар. 9.30 — Ёшлар овози. 10.30 — М. Насимов, Х. Шарипов: Деҳқонга таъзим. Вокал сюита. 11.15 — Узбекистон ССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар. 12.00 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Қизилқумлар ўғлони. 13.30 — Қўшиқ дўстликни шарафлайди. 14.00 — Узбекистон ССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар. 16.10 — Узбекистон музика коллективлари ва артистларининг концерти. 18.15 — Узбекистан спортивний. 18.30 — Москва. Миллатлар дўстлиги университети. 19.20 — Узбекистон ССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.20 — Татар халқ қўшиқлари. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.40 — Жасоратнинг давоми. 22.23 — Радиотингловчилар тузган программа асосида концерт. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-03, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назариясн пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳает — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-38, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 33-34-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71, Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-58-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. 02970. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 289.